O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI HUQUQIY AXBOROT MARKAZI
INY.№

Ушбу сонда:
2 Деҳқон ҳаммасига қодир
3 Кредит керакми, талаба?
XXI АСР НАФАСИ — воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 ҚАРОҚЧИ АЁЛЛАР

MEZON:

Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, турар жойлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Ипотека тўғрисидаги қоидалар:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаётган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига;

якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши таъқиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

«ИПОТЕКА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 6-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 5 (512) 2007 йил 6 февраль сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Халқаро ҳамкорлик

мулоқотларимиз алоқаларни янада мустаҳкамлади

Мамлакатимиз Конституциясида ўз ифодасини топган, умумэътироф этилган миллий қадриятлар ва халқимиз менталитети билан ҳамоҳанг демократик тамойилларга асосланган жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёни нафақат нуфузли халқаро ташкилотларнинг, балки бутун жаҳон ҳамжамияти эътиборини ўзига тортмоқда. Бу, табиий ҳол, албатта. Зеро демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этаётган Ўзбекистонда инсон ҳаёти, унинг эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият экани конституциявий мақомда мустаҳкамланган. Бу эса, биринчи навбатда, фуқароларнинг ҳуқуқлари суд тартибида ҳимоя қилиниши, адолатли судловни, суднинг мустақиллигини, унинг фақат қонунгагина бўйсунишини назарда тутади.

Ушбу асосий тамойилларни амалиётга жорий этиш учун халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари асосида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилишнинг чора-тадбирлари қўлланилган эди.

Мазкур соҳалардаги «Ўзбек модели»га хос ислоҳотларга Германия Федератив Республикасида қизиқиш ва хайрихоҳлик билан қарашмоқда. Буни яқинда Германия ҳукуматининг таклифига кўра, Берлин шаҳрида ўтган ГФРнинг суд-ҳуқуқ тизими ва жиноят қонунчилиги махсус тақдимот дастурида иштирок этиш учун таклиф этилган юртимизнинг ҳуқуқшуносларидан иборат расмий делегациянинг сафари мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Германиялик ҳамкасбларимиз билан бир қанча самарали учрашувлар бўлиб ўтди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг суд-ҳуқуқ ва қонунчилик масалалари бўйича раиси Нурдинжон Исмоилов ўз таассуротлари билан ўртоқлашар экан. — Делегациямиз ГФР Ташқи ишлар, Ички ишлар ҳамда Адлия вазирликлари томонидан қабул қилиниб, мамлакатларнинг худди шундай вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларини муҳокама қилишди. Ҳуқуқий соҳани ривожлантиришга дахлдор масалалар юзасидан биз Бундестаг етакчи тузилмалари, Берлин федерал ерининг Сенати адлия қўмитаси ҳамда бу мамлакатдаги жазони ижро этиш муассасалари раҳбарлари билан фикр алмашдик.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусан, К.Аденауэр фонди Президенти Б.Фогел билан бўлган суҳбатимиз ҳам жуда самарали кечди.

Таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтган учрашувларда фақат тажриба алмашиш ҳақида фикр юритилгани йўқ. Германиялик ҳамкасбларимиз мамлакатимиз ҳаёти, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш бўйича кечаётган ҳамда давлат ва жамият қурилиши борасидаги ўзгаришларга ўзларининг жиддий қизиқишларини билдиришди.

— Юртимизга бўлган бу хайрихоҳлик, — дейди мавзуни давом эттирар экан, Ўзбекистон делегацияси раҳбари, Адлия вазири Ф.Отахонов, — ГФРнинг Ташқи ишлар вазирлигида **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳалари билан немис мутахассисларини таништиришга асос бўлди. Ушбу тадбирда Бундестаг депутатлари, Германиянинг вазирлик ва идоралари, сиёсий фондлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир ташкилотчилари немис аудиториясига Президентимиз ташаббуслари билан парламентга киритилган қонун лойиҳаларининг аҳамиятини, моҳиятини очиқ тушунтириб бераркан, мазкур қонун лойиҳалари ўзбек моделининг жамиятни босқичма-босқич ислоҳ этиш ва мамлакатни модернизациялаш ҳамда давлат бошқарувининг янгиланиши ва демократлаштириш талабларига тўлиқ жавоб беришини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Тақдимот пайтида сўзга чиққан Германиянинг қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимияти ҳамда жамоатчилик вакиллари Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши тарафдори эканликларини билдирдилар. Шунингдек, ГФР Ташқи ишлар вазирлигида ўтган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қонунчилик ташаббуси билан танишув маросими фақат муҳим ахборот тадбиригина бўлиб қолмай, балки Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамловчи жиддий қадам сифатида тан олинди.

— Сафаримиз натижалари ҳақида гапирганда шундай хулосага келиш мумкинки, – дейди Адлия вазири Фозилжон Отахонов, — Германия ҳукумати мамлакатларимиз ўртасидаги кенг кўламли масалалар бўйича олиб борилаётган изчил муносабатларни ижобий баҳолайди ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни, хусусан, суд-ҳуқуқ ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини билдирди.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилинаётгани, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги ҳамда «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши тўғрисидаги Фармонлари немис жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. ГФР парламенти аъзолари Ўзбекистонда ўлим жазоси бутунлай бекор қилинаётганини, бу борада жаҳон тажрибасидаги каби Жиноят кодексининг айрим моддаларидагина бу қоида назарда тутилмаганини алоҳида таъкидлашди.

Хусусан, ГФР Ташқи Ишлар вазирлигининг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказорти бўйича вакили Х.Д.Лукас Европа Иттифоқи Ўзбекистонга нисбатан аллақандай «трибунал» ва сўнгги инстанция ифодачиси бажариш билан машғул бўлмай, балки бундан кейин ўз эътиборини икки томонлама манфаатли мулоқотларга ҳамда ўзаро фойдали ҳамкорликларга қаратиши лозимлигини таъкидлади.

Германиянинг ЕИ Кенгашига раислигини ва унинг Марказий Осиё бўйича ишлаб чиқаётган ЕИ стратегиясини ҳисобга олганда, Германия ЕИнинг Марказий Осиё давлатлари билан яқинлашишни кўзда тутади, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоридир.

Айтиш керакки, Германия терроризмга қарши курашга давлат сиёсатининг устувор йўналишлардан бири сифатида қарайди ва мазкур йўналишни ЕИдаги раислик дастурига киритган. ГФРнинг Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳамда ГФР ўртасида уюшган жиноятчиликка ва наркобизнес, биринчи галда Афғонистондан келаётган наркобизнесга қарши курашда самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганини таъкидлаб ўтди.

К.Аденауэр номидаги Фонд ҳам Ўзбекистоннинг Германия билан ҳамкорлигини юқори баҳолайди ва ушбу алоқаларнинг янада ривожланишида манфаатдордир. Ўзбекистондаги маъмурий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида кўмаклашиш мазкур фонд фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири экани қайд этиб ўтилди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотларнинг вакиллари ҳам Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган саъй-ҳаракатларни ижобий баҳолашди ва бу жараёнларга маҳаллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотларини ҳам фаол жалб этиш истагини билдиришди. Ўз навбатида, ўзбекистонлик вакиллар инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш борасида халқаро ташкилотлар билан мулоқот олиб боришга тайёр эканликларини билдиришди. Айни пайтда, ҳар қандай ҳамкорлик ошкора характерга эга бўлиши ва бунда қонунларга қатъий риоя этилиши, ҳамкор-давлатлар анъана ва менталитетини ҳурмат қилишга асосланиши лозимлиги таъкидланди.

ГФР Адлия вазирлиги ҳам икки давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги муносабатлар аҳволидан, шунингдек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардан мамнунлигини изҳор этди. «Танланган йўлнинг тўғри экани ҳақида» далолат бериб турган ислоҳотларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди. Мана шу асосда Германия томони бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва ГФР Адлия вазирликлари фаол алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

Пўлат ДОНИЁРОВ

Xabarlar

Адлия вазирлигида

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ: Истиқболли ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 2 февраль куни Адлия вазири Ф.Отахонов ҳамда Германия Федератив Республикасининг Фавқулодда ва Мухтор элчиси М.Майер билан учрашув бўлиб ўтди.

Адлия вазири Ф.Отахонов учрашувни қутлов сўзи билан очар экан, Ўзбекистон ва Германия ҳуқуқий соҳада изчил ҳамкорликни ривожлантириб бораётганлигини таъкидлаш билан бир қаторда ГФР ҳукуматига Берлин шаҳрида 15-19 январь кунлари бўлиб ўтган ГФРнинг суд-ҳуқуқ тизими ва жиноят қонунчилиги махсус тақдимот дастурида иштирок этишга таклифи учун миннатдорчилик изҳор қилди.

Ўтказилган учрашувлар чоғида кенг қамровли масалалар юзасидан қизғин мулоқотлар бўлиб ўтганлиги ва томонлар қонунчиликни такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорликка тайёр эканлиги таъкидланди.

Ф.Отахонов Германия томонидан **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳаларининг тақдимотини ГФР Ташқи ишлар вазирлигида ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида қайд этилди.

Ўзбек делегациясига Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакат ҳаётини барча ижтимоий-сиёсий соҳаларини ислоҳ қилишга қаратилган улкан ишлари ҳақида, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий йўналишлари, қонун ижодкорлиги фаолияти ва Президентимизнинг бу соҳадаги муҳим ташаббусларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифалар тўғрисидаги маълумотларни ГФР парламенти аъзолари ва расмий вакиллари эътиборига етказиш учун имконият яратилди. Шу билан бирга, изчиллик Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ ислоҳотлари миллий концепциясининг етакчи принципларидан бири бўлиб қолиши таъкидланди.

Ф.Отахонов ҳуқуқий тизимдаги мўлжалланган ислоҳотларни амалга оширишда муҳим кўмак кўрсатаётган Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти, Ф.Эберт ва К.Аденауэр номидаги фондлар билан ҳамкорлик Ўзбекистонда юқори баҳоланишини айтиб ўтди. Хусусан, қонун лойиҳаларини тайёрлаш, юристлар малакасини ошириш, қонунчиликнинг турли соҳаларига оид китобларни нашр этиш ва халқаро конференциялар ўтказиш йўналишларида Германиянинг техник ҳамкорлик жамияти ва Ф.Эберт жамғармаси билан ҳамкорликлар амалга оширилмоқда.

Маъмурий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларга кўмаклашиш эса К.Аденауэр жамғармасини Ўзбекистондаги фаолиятининг муҳим йўналиши эканлиги айтиб ўтилди. Суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболига тўхталиб ўтилиб, ҳамкорлик истиқболларини жойида муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистонга жамғарманинг ваколатли вакилини йўллаш эҳтимоли мавжудлигига тўхталиб ўтилди. Бундан ташқари, жамғарма Ўзбекистонда ЕИ билан биргаликда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги кадрлар тайёрлаш, шу жумладан вазирлик ва идораларда матбуот котиблари тайёрлаш бўйича лойиҳани амалга оширишни мўлжаллаган. Ўзбекистон ҳар иккала мамлакат ўртасида ҳуқуқ соҳасидаги фаол алоқаларни янада ривожлантиришга тайёр эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўз навбатида, ГФРнинг Ўзбекистондаги элчиси М.Майер учрашув ташкил этилгани учун миннатдорчилик билдириб, Германия ҳукумати Марказий Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ҳуқуқ соҳасидаги лойиҳаларга алоҳида қизиқиш билан қараётганини билдирди.

Элчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда Адлия вазирлиги самарали фаолиятининг муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади ва ҳар иккала мамлакат адлия идоралари ўртасидаги ҳамкорлик, жумладан, делегацияларнинг ташрифлари масаласида ҳам, йилдан йилга изчил ривожланиб бораётганидан мамнун эканини айтди.

Томонлар учрашув натижаларидан мамнун эканликларини билдириб, келгусида ҳамкорлик алоқаларини давом эттиришга келишиб олишди.

Илмий-амалий семинар

Ўтган ҳафта Адлия вазирлигида «ФҲДЁ органлари томонидан никоҳ маросимларини ўтказишда касбий этиканинг аҳамияти» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда ФҲДЁ органлари ва бу соҳа фаолиятига раҳбарлик қилувчи адлия идоралари ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Семинарда никоҳни қайд этиш ва никоҳ маросимларини ўтказишда ФҲДЁ органлари ходимларининг касб этикасига амал қилишига оид масалалар ва мавжуд камчиликлар атрофлича муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳа ходимининг профессионал фаолияти чуқур ҳуқуқий билимларга эга бўлиш билан бирга, бир қатор касбий ва ахлоқий фазилатларни талаб этади. Мазкур семинар ҳам ана шу мақсадга қаратилган тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Семинарда ФҲДЁ органи ходими шарафли касб эгаси эканлиги, бу соҳа ходимлари халқимиз орасида маънавий жиҳатдан етук, чиройли хулқи билан авваламбор ёшларга ибрат бўлиши лозимлиги эътироф этилди. Шу билан бир қаторда «ФҲДЁ органи ходими қандай фазилатларга эга бўлиши лозим», деган саволга жавоб изланди.

Сўзга чиққан маърузачилар томонидан никоҳни қайд этиш ва никоҳ маросимларини ўтказишда никоҳланувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш тартибига, уларга тилаклар билдирилишида аҳамият берилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Семинар сўнгида тадбирда кўтарилган саволлар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу тавсиялар эса ўз навбатида тадбирда бевосита иштирок этган ФҲДЁ органлари ходимларига уларнинг келгуси фаолияти учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Tahlil va saboq

Холислик ва адолат

у ютуқлар гаровидир

Бугун қонун фермер тарафда, давлатимиз раҳбари унга — раҳнамо. Ҳосил топширмаёқ пулини оласиз, ўғит ва ёқилғини эса дала бошигача келтириб беришади, биолаборатория ва ММТП (Муқобил машина-трактор парки)дагилар эса саломдан аввал хизмат сўрашади. Шундай бўлгач фермернинг нолишга ҳаққи борми? Тўғри, талай манфаат, ҳуқуқ ва имтиёзлар билан бирга бурч, мажбурият, вазифа аталмиш таомил ҳам бор. Шартномавий мажбурият улар орасида энг муҳими ва асосийси, десак, тўғри бўлади. Шу аснода ер давлатники ва у халқимизга зарур ва манзур нозне ъматлар учун буюртма беришга, фермер эса уни адо этишга бурчдор эканлигини унутмаслик зарур. Шундай экан, фермер гарданига асосий мажбурият — вазифа ер қаровини бекаму-кўст амалга ошириб, халқимиз ва давлатимиз эҳтиёжини устун даражада қондиришдан иборат.

Юқорида келтирилган далиллардан аёнки, давлатимиз фермерлик ҳаракати қатнашчилари олдидаги бурч, вазифа ва мажбуриятларини асло канда қилмай уддалаяпти: уларни нафақат моддий-техникавий, балки ҳуқуқий ва ижтимоий-маънавий жиҳатдан ҳам фаол қўллаяпти. Шундай бир вазиятда айрим фермерлар томонидан йўл қўйилаётган хато камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Мисол учун Урганч туманидаги «Рўзимат темирчи» фермер хўжалиги мутасаддилари 2006 йил бошида давлатга 6 тонна пахта ҳосили етказиб бериш бўйича туман «Пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти билан контрактация шартномаси тузишганди. Шартнома ҳокимлик рўйхатидан ўтиб, расмий ҳужжат – мажбурият мақомини олгач, акциядорлик тижорат банки бўлажак пахта ҳосили харажатларини босқичма-босқич қоплаб борди. Ўғит, ёқилғи, техник ва сервис хизмати учун режалаштирган пуллар фермерга ўз вақтида етказиб берилди. Маълумки, бу пуллар еб кетарга эмас, кузда тайёрлов корхонасига топшириладиган ҳосил ҳақидан чегириб қолинади. Лекин фермер хўжалиги томонидан топширилган 1251 кило пахта олдиндан тўланган бўнак (кредит) пулининг урвоғини ҳам қопламади. Давлатга 6000 килограмм пахта ҳосили етказиб бериш юзасидан зиммага олинган мажбурият бажарилмади.

Ушбу тумандаги яна бир тадбиркорлик субъекти — «Бекзодбек-Жавлонбек» фермер хўжалиги ҳам ер қарови билан боғлиқ агротехник тадбирларга қўл силтади. Ер эса сийлаганни сийлайди. Оқибат шу бўлди: она-замин ўз неъматини «фермер»дан дариғ тутди. Шартнома ижроси ора йўлда қолди. «Пахта тозалаш» корхонаси билан мавжуд 12 гектар майдон ҳисобига 30 тонна пахта ҳосили етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаси фермернинг масъулиятсизлиги туфайли бажарилмади.

Шартнома — қонун кучига баробар ҳужжат ва шу боисдан у беписандлик, ваъдага вафосизлик қилинишига йўл қўймайди. Фермер хўжалиги далаларини кўздан кечирган нуфузли комиссия парвариш қониқарсиз ўтказилганлиги, экин вақтида суғориб, озиқлантирилмаганлиги, бегона ўтлардан тозаланмаганлигини аниқлади. Шартномада кўзда тутилган 30 тонна ўрнига атиги 12,3 тонна пахта йиғиб олингани эса ана шу беписандликнинг мантиқий якуни бўлган.

Қонунбузарликнинг бу каби кўриниши Урганч туманида ортиқ қайд этилмади, десак, янглишган бўламиз. Бу ҳолат «Жасур» фермер хўжалиги фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Давлатимизнинг фермерларга кўрсатаётган марҳамати, ғамхўрлиги ва раҳнамолигидан ушбу хўжалик ҳам тўла баҳраманд бўлган. Ёқилғи, ўғит ва сув таъминотида узилиш, етишмовчилик ва тақчилликка дуч келмаган. Ваъдани ҳам қуюқ берган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўқув машғулоти

Адлия вазирлигида Олий Мажлиснинг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га асосан ўтказиб келинаётган анъанавий ҳуқуқий билимлар кунига бағишланган навбатдаги маънавий-маърифий ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Ўқув машғулотида Президентмиз Ислом Каримовнинг 24-26 январь кунлари Сингапур Республикасига амалга оширган давлат ташрифи, ушбу ташрифдан кўзланган мақсад ва истиқболлар мавзуида сўз юритилди.

Йиғилишда вазирнинг матбуот котиби Л.Маҳмудов Президентимизнинг Сингапур давлатига ташрифи тўғрисида маруза қиларкан, Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ҳақида тўхталди. Бу йил мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига ўн йил тўлди. Ўзаро савдо ҳажми ўтган 2006 йилда 100 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Президентимизнинг Сингапурга давлат ташрифи эса келажакда икки давлат ўртасидаги алоқаларни янги босқичларга олиб чиқиши шубҳасиз.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг Сингапур Республикасига давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг Марказий нашрларидан бири «Today» («Бугун») газетасининг мухбири Клемент Месенас саволларига берган жавоблари кенг муҳокама қилиниб, ундан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар белгилаб олинди.

У.ЭРГАШЕВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Zamonamiz qahramonlari

Меҳнатдан бахт топдик

— дейди Ўзбекистон туманидаги «Муқимий-Файз» наслчилик-чорвачилик фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Тоштемиров

Яқинда Фарғона вилоят адлия бошқармасида бўлганимда мавжуд ширкат хўжаликларининг фермер хўжаликларига айлантириш бўйича ўтказилган тендер танловлари натижалари билан қизиқдим. Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими ходимларининг таъкидлашича, қайси туман ёки ширкат хўжалигини олиб кўрманг, эълон қилинган ҳар бир лойиҳага 5 тадан 11 тагача талабгор ариза берган. Бу кўрсаткич фермерлик ҳаракати хўжалик юритишнинг энг самарали усули эканлигини яна бир карра исботлади.

Масалан, Ўзбекистон туманидаги наслчилик ва чорвачиликка ихтисослашган «Муқимий-Файз» фермер хўжалиги фаолиятига назар ташлаганимизда бунинг яққол исботини кўрдик.

— Хўжалигимиз туман ҳокимининг 2002 йил 19 мартдаги 164-сонли қарори билан собиқ «Муқимий-Файз» ҳиссадорлик жамияти негизида ташкил қилиниб, наслчилик-чорвачилик фермер хўжалигига айлантирилди, — дейди унинг раҳбари Бахтиёр Тоштемиров, — ўшанда хўжалигимиз ихтиёрида 350 бош қорамол, 110 гектар ер майдони мавжуд эди.

Бахтиёр ака хўжалик ташкил этилиши биланоқ укаси Аббосхонни ёнига олиб ишга киришди. Ака-ука дастлабки эътиборни озуқа етиштиришга қаратишди. Шу мақсадда мавжуд майдоннинг 40 гектарига беда, 70 гектарига маккажўхори экилди. Мақсад аён, озуқа мўл бўлса, чорвачиликда кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Енг шимариб қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Қишловга 1606 тонна беда, 2450 тонна маккажўхори силоси жамғарилди. Чорва моллари сони 363 тага етиб, улардан 98 та насл олинди. Шу билан бирга 280 тонна сут, 18 тонна гўшт ҳам етиштирилди. Умумий ҳисобда йил 60.336.000 сўмлик даромад билан якунланди. Шундан 15.164.000 сўми соф фойдани ташкил этди.

Дастлабки йилдаги бу натижа фермернинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди. Шу тариқа хўжаликнинг ишлари юришгандан-юришиб кетди. 2005 йилга келиб, хўжаликда қўйлар ҳам парваришлана бошланди. Бу орада фермер деҳқончиликка ҳам қўл урди. Яъни давлат буюртмасига биноан 15 гектар ерга пахтанинг «С-6524» нави экилди. Хўжалик раҳбари пахтачилик соҳасида бой тажрибага эга бўлган уста пахтакорлар билан маслаҳатлашди. Уларнинг кўрсатмаларига таяниб, ғўзага вақтида ишлов берди. Натижада кузга бориб, шартномадаги 20 центнер ўрнига 23 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Биргина шу соҳа хўжаликка 8.434.000 сўм даромад келтирди.

Хўжаликнинг асосий тармоғи — чорвачиликдаги натижалар ҳам салмоқли бўлди. Бу пайтда умумий сони 400 тага етган қорамолдан 102 та насл олинди. Шунга яраша гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортди. Бунинг эвазига эса хўжалик 85.598.995 сўм фойда кўрди.

— Якунланган 2006 йил биз учун янгилик ва муваффақиятларга бой бўлди, — дея суҳбатимизга қўшилади хўжалик иш юритувчиси Аббосхон Тоштемиров, — бу ҳақда гапирганда, энг аввало, Юртбошимизнинг 2006 йилдаги 308-сонли қарорини тилга олиш зарур. Чунки ана шу қарор туфайли мамлакатимизда чорвачилик янада ривожланмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур қарорга мувофиқ, 2006 йилда фермер хўжалигига Германиядан 150 доза зотдор сигирларнинг уруғи олиб келиниб, сунъий чатиштириш орқали 114 бош наслли бузоқлар олинди. Жорий йилнинг дастлабки чорагида эса олинган кредит эвазига Қозоғистон Республикасидан 15 бош қорамол олиб келиниши режалаштирилган.

Кўнгилни кўтарадиган муваффақиятлардан яна бири шуки, 2006 йилда фермер хўжалигида қорамоллар сони 414 тага, қўйлар 68 тага кўпайди. 1284 тонна сут, 12 тонна гўшт ишлаб чиқарилди. Хўжалик ўз маҳсулотларини асосан Қўқон шаҳридаги сутни қайта ишловчи кичик корхоналар ва деҳқон бозорига етказиб бермоқда.

Ўтган йили хўжаликнинг деҳқончилик борасидаги ютуқлари ҳам чакки бўлмади. Айтайлик, 15 гектар майдонга экилган пахтадан шартномада кўрсатилган 20,6 центнер ўрнига 23,1 центнердан ҳосил олинди. Умуман айтганда, фермер хўжалигининг деҳқончилигу чорвачиликдан олган йиллик даромади 118.053.000 сўмни ташкил этди.

Фермер куз фаслида 2007 йил ҳосили учун 15 гектар ерга «Замин» навли буғдой уруғини сепиб, бир текис ундириб олди. Қолаверса, йил якунида тугатилаётган «Муқимий» ширкат хўжалигининг тендер танловларида ғолиб чиқиб, яна 17,3 гектар ернинг эгасига айланди. Ушбу майдоннинг 4 гектарига буғдой экилиб, фермер ҳар гектар ғалладан 50 центнердан хирмон кўтариш ниятида. Шунингдек, жами 28,3 гектар ерга пахта экиш мўлжалланаяпти.

Ҳақиқий деҳқон учун қиш бекорчилик фасли эмас. Буни яхши англаган фермер хўжалиги аъзолари қишки юмушларни бир зум ҳам бўшаштиргани йўқ. Асосий эътибор ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилмоқда. Яъни 5,5 километрлик ариқ-зовурларнинг ярмидан кўпи тозаланди, Шу билан бирга 502 тонна маҳаллий ўғит ҳам жамғариб қўйилди.

— Табиийки, бундай кенг кўламли ишлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди, ютуқларга ўз-ўзидан эришилмайди. Буларнинг асосий омили нималар деб ўйлайсиз? — деб сўрайман Бахтиёр акадан.

— Тўғри айтасиз. Бугун хўжалигимизда 70 нафар киши меҳнат қилаяпти. Ҳар ким ўз ишини яхши билади, бажариладиган ишлар тўғри тақсимланган. Албатта, ишчиларимиз қилган меҳнатларига яраша рағбатлантирилади. Ҳозир уларнинг ойлик маоши ўртача 25-30 минг сўмни ташкил этаётир.

Хўжалик муваффақиятларининг яна бир омили бор. Бу деҳқоннинг техникасидир. Сўнгги йиллар мобайнида хўжалик шахсий даромади ҳисобидан 3 та қатор орасига ишлов берадиган трактор 1 та ҳайдов, 7 та транспорт тракторлари ва 2 та ўрим комбайнларини сотиб олди.

Маълумки, якунланган 2006 йил Президентимиз томонидан **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**, деб эълон қилинганди. Юртимизнинг кўпгина саховатли инсонлари қатори Бахтиёр ака ҳам давлатимиз раҳбарининг бу ташаббусига «лаббай», деб жавоб берди. Бир сўз билан айтганда «Муқимий-Файз» фермер хўжалиги томонидан кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, таълим муассасалари ва бошқа жамоаларга 9.000.128 сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, 3 та ёрдамга муҳтож оилага бир бошдан наслли қорамол ҳадя қилинди.

Хуллас, инсон ҳаётда нималарга рўшнолик кўрса, барчасига қилган меҳнатлари туфайли бўлади. Бугун туну кун тиним билмай, ҳам оиласи, ҳам элюрт дастурхони учун ризқ-рўз яратишдек эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган қаҳрамонимизнинг фаолияти ҳам бу ҳақиқатнинг ёрқин мисолидир.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ijro intizomi

Расмиятчилик

ёхуд

ижро интизоми бузилишининг оқибати

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси қабул қилинган қонунлар, қарор ва фармойишларнинг ижроси қай даражада бажарилаётганига боғлиқ. Жиззах вилояти адлия бошқармаси Адлия вазирлигининг 2006 йил 26 октябрдаги кўрсатмасига асосан, Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Арнасой, Зомин, Пахтакор, Дўстлик туман ҳокимликларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг Фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ижросини ташкиллаштириш, шунингдек, ваколат доирасида қабул қилинган ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ҳамда жойларга ижро учун етказилиши, нашр этилиши борасидаги ишларни ўрганиб чиқди.

Ўрганиш жараёнида ҳокимликлар томонидан ижро ва назоратни ташкил этишда Вазирлар Маҳкамасининг **«Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, **«Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида»**ги қарорлари, шунингдек, бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар жиддий бузилгани маълум бўлди. Хусусан, ҳокимликлар томонидан, ижро этилиши лозим бўлган вазифаларнинг муддатлари ўтиб кетганига қарамай, қарор ва фармойиш бандларига ўтган саналарда бажарилиши лозим бўлган вазифалар киритилиб, тегишли идора ва ташкилотларга расмиятчилик учун вазифалар юклатилган ҳолатларга дуч келинди. Масалан, Жиззах темир йўллар идораси раҳбарияти 2006 йил 19 февралда кўприкни троллейбус қатновига мос белгига кўтариш учун автомобил ҳаракатини тўхтатиш ҳақидаги хат орқали Жиззах шаҳар ҳокимига мурожаат этган. Ушбу хатга асосан 2006 йил 28 февралда шаҳар ҳокимининг 16-сонли фармойиши қабул қилинган. Фармойишда Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғига шаҳарнинг Тошкент кўчаси бўйлаб автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишини 2006 йил 22 февраль куни соат 13 дан 14 гача вақтинча тўхтатиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш вазифаси топширилган. Қаранг, фармойиш тадбир ўтказилганидан кейин олти кун ўтиб қабул қилинган.

Мирзачўл туман ҳокимлигида ҳам вилоят ҳокимининг «Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан таълим муассасаларида хавфсизлик чоралари ва жамоат тартибини тўлиқ таъминлашда таълим муассасаларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳаллий ижро идоралари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликларини янада кучайтириш ҳақида»ги фармойиши ижросини таъминлашда кўзбўямачиликка йўл қўйилган. Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан кўзда тутилган тадбирлар 31 август ва 2 сентябрь кунлари ўтказилгани табиий ҳол, албатта. Тадбир ўтказилгану, бироқ туман ҳокимининг 29-сонли фармойиши 2006 йилнинг 5 сентябрида қабул қилинган. Тадбирларни ўтказишга масъул шахсларга 31 август ва 2 сентябрь кунлари туман ҳокимлигига ёзма ахборот тақдим этиш юклатилган. Тадбир ўтиб кетгандан кейин қабул қилинган бундай фармойишни қандай баҳолаш мумкин?

Президентимизнинг 2006 йил 12 июндаги 375-сонли **«Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг энг муҳим мақсадли дастурининг бажарилиши бўйича мониторингни ташкил этиш тўғрисида»**ги ва шу ҳақдаги вилоят ҳокимининг 2006 йил 15 июндаги 87-сонли қарори юзасидан Пахтакор туман ҳокимининг 2006 йил 23 июнда 171-сонли қарори қабул қилинган. Қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Б.Маҳмудова юклатилган. Қарорда Президент қарорлари асосида қабул қилинган энг муҳим мақсадли дастурлар бажарилиши устидан тизимли мониторинг ўтказиш кўрсатилган. Лекин қарор ижросининг назорат қилинганига доир ҳужжатлар йиғма жилдида ушбу қарор ижроси билан боғлиқ биронта ҳужжат йўқ.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасида вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилиши ва фармойишлар чиқариши белгилаб қўйилган. Амалдаги бу қонундан, шубҳасиз, Зомин туман ҳокимлиги ҳам четда эмас. Бироқ ҳокимликдагиларнинг ўз ваколатларини билмасликлари ачинарли ҳол. Акс ҳолда ҳокимлик ўз тасарруфидаги бўлимлар ходимларини ишга тайинлаш, вазифасидан озод қилиш ва меҳнат таътилига чиқариш тўғрисида фармойиш чиқариб нотўғри амалиётга йўл қўймаган бўларди.

Ҳокимлик томонидан қабул қилинган ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий мазмундаги қарор ва фармойиш Вазирлар Маҳкамасининг **«Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан, бир кунлик муддатда тегишли шахсларга етказиб берилиши шарт. Ижро интизоми таъминланмас экан, қабул қилинган қарорнинг бажарилиши ҳам ортга сурилади. Умуман ижро интизомига бефарқ муносабат вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилган барча туман ҳокимликлари фаолиятида кузатилди.

Вилоят адлия бошқармаси бу каби аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан вилоят ҳокими номига тақдимнома киритди. Тақдимнома вилоят ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишида атрофлича муҳокама қилинди ва «Ҳужжатлар билан ишлашда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш тўғрисида» вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинди. Қарорда директив ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда назорат сусайтирилгани учун шаҳар ва туман ҳокимлари огоҳлантирилиб, камчиликларга йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чоралари кўриш, шунингдек, келгусида бу каби қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Ихтиёр ХЎРОЗОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Ерлан ерининг фарқини деҳқон яхши билади. Мисол учун, Пайариқ тумани экин майдонлари вилоятимизнинг жанубий ҳудудидаги ерларга қараганда бирмунча заҳкаш. Сизот сувлари юзага яқин. Бу эса, юқори ҳосил олиш учун кўп меҳнат талаб қилади. Йўқ, бу билан мен ерларимиздан нолимоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим, кўп йил эгалик қилиш учун ер майдони беридими, энди деҳқон нималарга қодирлигини кўрсатиши керак.

Bugunning gapi

Деҳқон ҳаммасига қодир

Фермер хўжалигимиз 1999 йилда ташкил топган. Ўшанда бизга 10 гектар ер майдони ажратиб берилганди. 2003 йил кўкламига келиб еримиз 130 гектарга етди. Тугатилган «Янгиобод» ширкат хўжалигидан бизга 42 миллион сўм қарз ўтганди. Қарздан қутулдик. Банкдан олинган кредит маблағи эвазига «Олтой-Т-4А» русумли трактор сотиб олдик. Пахта ва ғалладан келган даромад эвазига 2005 йили «МТЗ-80», «ТТЗ-80-11» чопиқ тракторлари ҳамда тиркамалар харид қилдик. Чигит қадаш, ғўза қатор ораларига ишлов беришда зарур қишлоқ хўжалиги техникалари ўзимизда етарли.

Ширкат хўжалиги тасарруфидан ер майдонлари ихтиёримизга ўтгандан бери ҳосилдорлик йил сайин ўсиб бораяпти. Ўтган йили 64 гектар ғала майдонининг ҳар гектаридан режадаги 27 центнер ўрнига 38 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 176 тонна дон топширилди. Аъзоларимизга эса 60 тонна дон тарқатдик. Пахтачилик соҳасида ҳам кўрсаткичларимиз ортиб бораяпти. 158 тонна пахтанинг 60 тоннасини уруғлик учун етиштириб, қабул пунктига етказиб бердик. Шунча пахтани етиштиришга 30 миллион сўм харажат қилинди. Олган даромадимиз эса, 60 миллион сўм бўлди. 2005 йили пахта ва ғалладан 28 миллион сўм соф фойда олинганди. 2006 йилда бу кўрсаткич 43 миллион сўмдан ошди.

Даромад ортидан фермер хўжалигимиз аъзоларининг турмуши ҳам тобора яхшиланиб боряпти. 45 нафар аъзомизнинг ҳар бири ойига 50-55 минг сўмдан маош олаётир. Уларнинг газ, электр энергия, коммунал хизмат тўловлари фермер хўжалиги ҳисобидан амалга оширилмоқда. Кейинги уч йил ичида коммунал хизматлар тўловларига икки миллион сўм ўтказилди. Қишлоқ мактабини, тиббий хизмат пунктини таъмирлашга кўмаклашиб келаяпмиз.

Қиш деҳқон учун қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Сув қувурларини тартибга келтириш, далага маҳаллий ўғит чиқариш сингари мавсумий ишлар вақтида бажарилаётир. Айни дамда 63 гектар майдондаги ғалла баравж ўсаяпти. Янги иш ўринлари ташкил этиш режаларимиз бор. Шу мақсадда кунига бир ярим тонна ун тайёрлайдиган тегирмонни ишга туширмоқчимиз.

Айтмоқчиманки, мустақиллик шарофати билан энди деҳқон ер ва мулк эгаси бўлди. Моддий манфаатдорликни ҳис этиш, менинг ерим, менинг далам, деган туйғу меҳнатга муносабатни жиддий ўзгартирди. Шубҳасиз, бундай ўзгаришни дилидан ҳис этганларнинг ютуғига ютуқ қўшилаверади.

Ўткир ЭРГАШЕВ,
Пайариқ туманидаги «Тансиқбоев» фермер хўжалиги раҳбари

Tahlil va saboq

Холислик ва адолат

у ютуқлар гаровидир

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Туман пахта тозалаш корхонаси билан 5 гектар майдонга чигит экиб, 21,5 тонна пахта етказиб бериш бўйича контрактация шартномаси тузган. Унга мувофиқ, бўнак пули ва бошқа моддий воситаларни ўз вақтида олган. Бошқача айтганда, буюртмачи томон ўз мажбуриятини канда қилмай бажарган. Бироқ гал хўжаликка келганида масъулиятсизлик юз берган. Фермер корхонага ваъда қилинган 21,5 ўрнига бор-йўғи 11,2 тонна пахта топширган.

Бундай нохуш ҳолат тумандаги «Комилжон-Ғофурбек» фермер хўжалиги фаолиятида яққол кўзга ташланади. Йил бошида туман «Пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти билан шартномавий муносабатга киришган мазкур хўжалик «ёшулли»лари аввалбошданоқ давлатимиз мададидан баҳраманд бўлган эсаларда, пировардида ҳимматга-ҳиммат билиб жавоб қайтаришмади. Натижада шартнома-шартномалигича, ваъда-ваъдалигича қолди. Жами 40 гектар ерда ғўза ўстириб, давлатга 112 тонна пахта сотиш мажбуриятини зиммасига олган фермер амалда 21,4 гектар майдонга чигит қадади. Қолган 8,6 гектарга эса ҳеч иккиланмай шоли экди. Айнан шундай ноқонуний хатти-ҳаракат Хазорасп туманидаги «Жаҳонгир ота Азимбой» ва «Нодира-Валижон» фермер хўжаликларида ҳам қузатилди.

Мавжуд қонунчиликка асосан юридик мақомдаги хўжалик юритувчи шахслар ва фуқаролар шартномани эркин ҳолда тузадилар. Шундай экан, юқоридаги ҳар учала фермер хўжалиги раҳбари шартномани ана шу ҳуқуқий меъёрлар асосида, ўз хоҳиши ва розилиги билан тузганига имонимиз комил. Ваъдани берган одам уни сўзсиз уддаламоғи лозим. Таассуфки, «Жаҳонгир ота Азимбой» фермер хўжалиги 2006 йилда шартномада белгиланган 12 ўрнига 10,9, «Нодира-Валижон» фермер хўжалиги эса 17 ўрнига 15,8 гектар ерга пахта экди. Қолган майдонларда эса шоли бўй тортди. Оқибат нима бўлди, денг. Ушбу хўжаликларнинг барчасида шартномавий ваъда унут бўлди, режа бажарилмади.

Вилоят хўжалик суди ана шу ҳолатларни атрофлича ўрганди. Шартномага беписанд муносабатда бўлганлар пировардида бармоқ тишлаб қолишди. Бироқ қонуннинг ўз йўриғи бор. Номлари тилга олинган хўжаликларнинг бари суд қарорига мувофиқ тугатилди. Бундан ташқари яна 305 та фермер хўжалиги ҳам ўз фаолиятини тўхтатадиган бўлди. Суд қарорига биноан мазкур фермер хўжаликлари ва туман ҳокимлари ўртасида ерни узоқ муддатли ижарага олиш бўйича тузилган шартномалар ва ушбу субъектларни ташкил этиш юзасидан муқаддам чиқарилган қарорлар бекор қилинди. Айни пайтда шартномада белгиланганидан кам етказиб берилган ҳосил қийматининг 25 фоизи миқдорида жами 897 та фермер хўжалигига нисбатан 2,2 миллиард сўмлик жарима қўлланилди. Етказиб берилган моддий воситалар, кўрсатилган хизматлар ҳақини қонун талаблари асосида мажбуран ундириш чоралари ишга солинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кўрилган тадбирлар туфайли фермерлик субъектлари томонидан мавжуд пахта тайёрлаш, таъминот, хизмат кўрсатиш корхоналарига етказилган зарарнинг ўрни тўла қопланмоқда. Ўтказилган суд мажлислари эса аксарият фермерлар учун жиддий сабоққа, камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш омилига айланмоқда. Шу муносабат билан айрим фермер хўжаликлари ишни судда кўриш жараёнида йўл қўйилган хато ва қусурларга барҳам беришганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳозир мутасадди идоралар турли сабабларга кўра у ёки бу фермер хўжалиги фаолиятини тугатиш ҳамда ерни узоқ муддатли ижарага бериш юзасидан тузилган шартномаларни бекор қилишни сўраб, судга даъво аризалари йўллашаяпти. Ана шунга кўра, 2006 йилнинг охири ва ушбу йилнинг январ ойида вилоят бўйича жами 6062 гектар ерни ижарага бериш тўғрисидаги туман ҳокимлари билан тузилган шартномалар бекор қилинди. Демак, ушбу экин майдонлари соҳиблигини фермерликка талабгор бошқа кишилар қўлга олишаяпти. Уларни айблаш ёки камситиш ниятимиз йўқ. Бироқ ҳар битта фермер хўжалигини шакллантириш, оёққа турғазиш, барқарор фаолиятини таъминлаш ва аввал таркиб топган хўжаликлар даражасига кўтариш учун ойлар эмас, балки йиллар, каттагина маблағ ва моддий-техникавий воситалар, талай меҳнат ва машаққат талаб этилади ва буларнинг бари ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди. Вилоят суди апелляция ҳайъати яқинда туман ҳокимлари ва бошқа алоқадор идораларнинг даъво аризаларига биноан фаолияти тўхтатилган айрим фермер хўжаликларига доир ишларни қайта кўриб чиқди. Маълум бўлдики, кўрилган натижа уларни жиддий хулоса ва амалий тадбирлар кўришга чорлаган. Натижада даладаги ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олиш чоралари ишга солинган. Пировардида, шартномавий мажбуриятлар адо этилган. Бундай вазиятда ушбу фермер хўжаликларининг бахридан ўтиш адолатсизлик саналади. Ишни апелляция босқичида қайта кўрган хўжалик суди ўзининг аввалги қарорини бекор қилди. Фермер хўжаликлари фаолияти қайта тикланди.

Масъулиятсизлик – ёмон иллат. Ваҳоланки, баъзи сохта фермерларга нисбатан адолатли йўл тутилиб, фаолиятига чек қўйилгани жабҳани айрим нопокликлардан ҳоли қилиш соҳасида ташланган хайрли қадам бўлди. Аммо бу сафни қадамидан олов чақнайдиган, ҳалол ва пок, қобилу-қодир кишилар ҳисобига бойитиш, мавжуд фермерлик фаолиятига эса холис назар билан қараш, уларни қўллаб-қувватлаш, кўмак-мадад уюштириш жойлардаги маҳаллий ҳокимият идоралари, хизмат кўрсатиш ва таъминот ташкилотларининг алоҳида муҳим ва долзарб вазифасига айланиши даркор. Холис ва адолатли танлов сафнинг поклиги, фаолиятнинг умрбоқийлиги гаровидир. Ушбу таомилга амал қилганлар ҳеч қачон ютқазишмайди.

Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Muloqot

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ

— Фуқароларга бериладиган жамғариб бориладиган пенсия нафақасини қаердан ва қандай олиш мумкин. Нафақа дафтарчаси ва умуман ушбу тизим ҳақида маълумот берсангиз.

Г.САМИЕВА
Бухоро вилояти

— **«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 9-моддасига кўра, фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилгандан кейин Халқ банки томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағининг тартиб рақами, шунингдек, бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликатига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилади.

Юқорида номи келтирилган қонунимизнинг 10-моддасида пенсия ҳисобварағидаги маблағларнинг шакланиши ҳақида сўз бориб, унда таъкидланишича, жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилади. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахснинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек, учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўйилади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ НИМА?

— Электрон тижорат иштирокчилари кимлар ва улар қандай ҳуқуқларга эга?

С.БОБУРОВ
Тошкент шаҳри

— **«Электрон тижорат тўғрисида»**ги қонуннинг 4-моддасида электрон тижорат иштирокчилари ҳақида сўз юритилиб, унга мувофиқ, электрон тижоратни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар шунингдек, тегишли товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар электрон тижорат вакилларидир.

Электрон тижоратда ахборот воситачилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборот воситачиларидир.

Электрон тижорат иштирокчилари ушбу қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек, тузган шартномаларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва мажбуриятларини бажарадилар.

Электрон тижоратда иштирок этиш, агар қонун ҳужжатларида бошқа қоида белгиланмаган бўлса, унинг иштирокчиларига нисбатан ахборот тизимларидан фойдаланмасдан амалга оширилаётган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан қўшимча талаблар ёки чеклашлар белгиланиши учун асос бўла олмайди.

Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Ta`lim va islohot

Кредит керакми, талаба?

марҳамат, бунинг қонуний асоси бор

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар таълим тизимида ҳам изчил давом этмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб бораётган "Таълим тўғрисида"ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"нинг амалдаги ижроси ҳамда ушбу ҳужжатлар билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонлари, ҳукумат қарорлари тизимда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Йилдан-йилга такомиллашиб бораётган таълим тизими ёш авлоднинг самарали билим олишига замин яратмоқда. Бунинг ёрқин намунасини жаҳон андозаларига монанд, мамлакат тараққиётини кўзлаб ишлаб чиқилган, тубдан ислоҳ қилинган узлуксиз таълим тизимида кўриш мумкин. Олий таълимда олиб борилаётган ана шу ислоҳотларнинг самараси ўлароқ, эндиликда бозор иқтисодиёти талабларига тўлиқ жавоб берадиган тўлов-шартнома асосидаги ўқув дастури амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда тўлов-шартнома асосида таълим олувчи талабалар сонининг йилдан-йилга ошиши билан боғлиқ ижтимоий муаммолар, тизимда халқаро андозаларга мувофиқ таълим кредити жорий қилингач, ўз ечимини топмоқда.

Ўтган ҳафтада иқтисод фанлари доктори Муҳаммадали Саидов иштирокида Адлия вазирлигида бўлиб ўтган **"Таълим кредити – унинг жорий этилиши талабалар ижтимоий ҳимоясининг кафолатидир"** мавзуидаги учрашувда ҳам таълим кредитининг афзалликлари, қонуний асослари, талаба ва банк ўртасидаги мажбуриятлар ҳақида сўз борди. Ушбу мавзу кўпчилик ўқувчиларимизни ҳам қизиқтиришини ҳисобга олиб, профессор М.Саидов билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

–Муҳаммадали ака, сиз учрашувда таълим кредити ва унинг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтдингиз. Албатта, ҳукуматимиз томонидан талаба-ёшларга яратилган бундай имкониятнинг қонуний асослари ишлаб чиқилган. Лекин шунга қарамасдан, барча талаба-ёшларимиз таълим кредити хусусида мукаммал тасаввурга эга, дея олмаймиз. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, таълим кредити ҳақида тўликроқ маълумот берсангиз?

–Президентимиз ташаббуси билан 2007 йилнинг **"Ижтимоий ҳимоя йили"** деб эълон қилиниши, мамлакатимиздаги барча соҳаларда бўлгани каби олий ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам қатор вазифаларни амалга оширишни талаб қилади. Жумладан, ҳар бир илм даргоҳида таълим олаётган талабанинг ижтимоий аҳволи ўрганилиб, унга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож ўқитувчи ходимлар ва ўқувчиларни ҳар тамонлама рағбатлантириш таълим тизими мутасаддилари олдидаги асосий вазифалардан биридир. Айнан талабалар учун давлатимиз томонидан таълим кредитининг

ажратилиши ана шу ижтимоий ҳимоянинг яққол намунасидир.

Ҳозирги кунда ҳукуматимиз томонидан шартнома асосида таълим олаётган ёшлар учун банклардан таълим кредитининг берилиши, наинки талаба ёшларга қулайлик яратиш, балки улар таълим олаётган соҳа ва муассасалар ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, бу жараён ўз ўрнида ёшларни банкларга бўлган ишонч ва ҳамкорлик маъданиятини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Албатта, таълим кредитининг маъно-мазмунида ёшларнинг ижтимоий ҳимояси кўзланган бўлиб, у ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ амалга оширилади. Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож чин етимларга, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларига фоизсиз, кам таъминланган оила фарзанди бўлган талабаларга 50 фоизли имтиёзли кредит ажратилади.

Бундан ташқари, бирор-бир имтиёзга эга бўлмаган талабалар ҳам Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчи фоиз ставкаларида таълим кредити олиши мумкин. Умуман олганда, кредитга эҳтиёжи бор, жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлган ҳар бир талаба жорий этилган таълим кредитидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бунда талабанинг яшаш жойидаги банк бўлинмаларига мурожатидан сўнг, банк ходимлари фуқаронинг таълим олаётганлиги тўғрисидаги ҳужжатга мувофиқ, белгиланган банк талабларидан келиб чиққан ҳолда, таълим кредитини ҳеч бир муаммосиз, қонунда белгиланган муддатда расмийлаштириб беради. Таълим кредитига эҳтиёж сезган ҳар бир талаба қонунчиликка биноан бундай имтиёздан фойдаланиши мумкин.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш керак. Маълумки, тижорат банклари кафилликсиз кредит беролмайди. Лекин бундай ҳолларда талаба кредити учун кафил бўлаоладиган омиллар кўп. Фермер хўжаликлари, банклар, ишлаб чиқариш корхонаси, бирорта маҳаллий ташкилот, суғурта кампаниялари ёки қимматбаҳо қоғозлар кафиллик мақомида туриши мумкин. Шунингдек, ота-она ҳам кафил бўла олади, яъни уларнинг иш жойидан бериладиган даромади тўғрисидаги маълумот кафиллик вазифасини ўтайди. Бундан ташқари, шахсий ҳисобрақамида маблағи бўлган жисмоний шахс ёки банк талабларига тўғри келадиган юридик шахслар ҳам учинчи шахс мақомида кафиллик вазифасини ўташи мумкин.

— Умуман таълим кредитига эҳтиёжманд талаба учун кредитни олиш ва қайтариш тартиби қандай?

— Дастлаб талаба банк ва кафил ўртасида шартнома имзоланади. Шартномага мувофиқ, банк мижозга керакли маблағни таълим олиш вақти тўғри келадиган муддатга беради. Яъни Олий таълим муассасаларида ўқиш даврини ҳисобга олган ҳолда бакалавр бўлган талабаларга 10 йилгача, магистратура талабалари учун эса 5 йилгача бўлган муддатга кредит ажратилади. Масалан бир йилга 600 минг сўм миқдоридаги шартнома пули тўланиши керак бўлса, биринчи ярим йиллик учун банк 300 минг сўмни тўлайди. Қолган ярмини эса ўқув йилининг иккинчи ярмида тўлаб беради. Бундан кўзланган мақсад, талаба қайтариши лозим бўлган фоизнинг кам миқдорда бўлишидир. Дейлик, ўқув йилининг биринчи ярми учун 300 минг сўм миқдорида кредит олган талаба ўрта ҳисобда ҳар ойига 3500 сўм атрофида кредит фоизини тўлаб боради. Таълим кредити суммасининг ичида талабаларга ҳар ойида камида 20 минг сўм миқдорида стипендиянинг ҳам борлиги талабага ойлик фоизини қайтаришда ўз ҳоҳишига мувофиқ-мустақил амалга ошириш имкониятини беради.

Шунингдек, яхши ва аъло баҳоларга ўқийдиган талабалар қўшимча рағбатлантирилади, яъни талабанинг яхши ёки аъло баҳоларга ўқишига қараб, стипендия миқдори 50 фоиздан 100 фоизга қадар ошади. Бу эса ўз навбатида талаба ижтимоий ҳимоясининг яна бир кўринишидир.

Кредитнинг асосий суммасини талаба ўқишни битириб, ишга жойлашган вақтдан бошлаб белгиланган жадвалга кўра, қайтариши лозим. Бунда албатта, ёш мутахассиснинг оладиган ойлик маошининг бир қисми ана шу кредитни қайтаришга ажратилади. Шунда кредит фоизи йилдан-йилга камайиб бораверади. Ва охирги йилларга келиб, бу миқдор 8-10 минг сўмни ташкил этади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, мабода талаба бирор-бир сабаб билан талабалар сафидан чиқарилса, бундай вазиятда ўқув юрти 10 кун муддат ичида таълим кредити берган банкка тегишли тартибда хабар бериши шарт. Агар талаба 3 ой давомида тикланиш тўғрисидаги маълумотни банкка келтириб топширмаса, шартномада белгиланган муддатдан олдин кредитнинг асосий қисмини қайтаришга мажбур бўлади.

— Таълим кредити олиш ниятида бўлган талаба қайси банкларга мурожаат қилиши мумкин? Умуман, мижознинг истаклари қандай ҳолларда қаноатлантирилмайди?

— Юқорида талаба ўзи яшаётган худуддаги тижорат банкларига мурожаат этиши мумкинлигини қайд этиб ўтдик. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда барча тижорат банкларида кредит бериш учун имконияти мавжуд. Бунда асосан талабанинг ёзма равишдаги мурожаатидан сўнг банк 10 кун ичида аризани ўрганиб чиқади ва ёзма равишда нима учун кредит бериши ёки бермаслигининг сабабларини кўрсатиб беради.

Хулоса ўрнида эса шуни айтиб ўтиш керакки, бугун ўқийман, илм оламан, ўз интеллектуал салоҳиятим билан элюртимга хизмат қиламан, деган ёшлар учун барча имконият эшиклари очиқ. Улар давлат томонидан ижтимоий ҳимояга олинган. Биз юқорида тўхталиб ўтган таълим кредити ҳам ана шу ижтимоий ҳимоянинг, қолаверса, инсон истиқболига қўйилган сармоянинг яққол кафолатидир.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ суҳбатлашди

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН УРУШ

Куни кеча АҚШ президенти Жорж Буш конгрессга янги – 2008 молиявий йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасини тақдим этди. Оқ уй расмийлари Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар учун бюджетдан ажратилаётган харажатлар миқдорини ошириш ҳаракатида экани ҳақида аввал ҳам хабар берган эдиқ. Жорж Буш конгрессга тақдим этган лойиҳа ҳам бу хабар ёлғон эмаслигидан далолат бермоқда.

Мисол учун Президент томонидан конгрессга тақдим этилган лойиҳада 2008 йилда Петагоннинг харажатлари учун давлат бюджетидан 481 миллиард доллар ажратилиши кўрсатилган бўлса, яна 295 миллиард доллар миқдоридаги маблағ яқин уч йилда Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни таъминлаш учун ажратилиши қайд этилган.

Оқ уйнинг бюджет бошқармаси бошлиғи Роберт Портманнинг тасдиқлашича, Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатларни молиялаштириш учун президент маъмурияти 2007 йил учун қўшимча 100 миллиард доллар, 2008 йил учун 145 миллиард доллар ва 2009 йил учун 50 миллиард доллар миқдорида маблағ ажратишни режалаштирган.

«РИА-Новости» ахборот агентлиги тарқатган маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, АҚШнинг 2003 йилдан 2009 йилга қадар Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий ҳаракатлар учун ажратаётган маблағи 800 миллард долларни ташкил қилар экан. Бу рақамлар бир пайтлар АҚШ Вьетнам уруши учун сарфлаган маблағдан ҳам ошиб кетганини кўрсатади.

НОТИНЧЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Узоқ вақтдан буён давом этаётган музокараларга қарамасдан, Ғазо секторида ҳамон нотинчлик. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги тарқатган хабарларга кўра, ўтган ҳафтада «ҲАМАС» жангарилари томонидан «ФАТҲ» ҳаракатининг обрўли вакилларидан бири Махмуд Дахланнинг жиянини гаровга олиниши вазиятни янада чигаллашишига олиб келган. «ҲАМАС» жангарилари Махмуд Дахланнинг жиянини «ФАТҲ»чилар томонидан асиргa олинган ўз сафдошларига алмаштиришни режалаштирган бўлишлари ҳам мумкин, деб ёзади ахборот агентлиги.

Шунингдек, ўтган ҳафтада Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Махмуд Аббоснинг қароргоҳи ҳам жангарилар томонидан ўққа тутилган.

Сўнгги маълумотларга қараганда, ўтган ҳафтада «ҲАМАС» ва «ФАТҲ» жангарларининг қуролли тўқнашувлари натижасида 27 нафар Фаластин фуқароси қурбон бўлган ва 230 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

ЖАКАРТАДА ЖАЛА

Бундан бир неча ҳафта аввал синоптиклар Индонезия давлати ҳудудида кучли жала ёғиши кутилаётгани ҳақида хабар беришган эди. Лекин негадир мамлакат расмийлари бу хабарга жиддий эътибор беришмади. Бу эса Индонезия фуқароларига қимматга тушмоқда.

Чунки бир неча кун давом этган тинимсиз жала натижасида Индонезия пойтахти Жакарта шаҳри жиддий талофат кўрди. Малумотларга қараганда, шаҳарнинг айрим жойларида сув сатҳи 4 метргача кўтарилган. Натижада пойтахтда телефон алоқаси, электр таъминоти, темир ва автомобиль йўллари бутунлай издан чиққан. Жала оқибатида пайдо бўлган сел ўз йўлидаги минглаб уйлар ва маъмурий биноларни ҳам вайронага айлантираяпти. Маълумотларга қараганда, Жакартанинг мавжуд 44 та туманидан 35 та тумани сув остида қолиш хавфи бор. Бугунгача сел туфайли қурбон бўлганлар сони 25 нафарни ташкил этган бўлса, бошпанасиз қолиб, шаҳарни тарк этган қочоқлар сони 340 минг нафардан ошиб кетди.

Индонезия армияси, қутқарувчилар ва бошқа соҳа вакиллари чўкаётган шаҳар аҳолисига ёрдам бериш учун куну тун ҳаракат қилишмоқда.

Синоптиклар тарқатган маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, жала яна бир ҳафта давом этиши мумкин. Агар шундай бўладиган бўлса, Жакарта шаҳрининг айрим жойларида сув сатҳи баландлиги 10,5 метргача ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Интернет материаллари асосида Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети талабаси Акром УМАРОВ тайёрлади

Qonun va ijro

Суд қарори

жойларда унинг ижроси қандай амалга оширилмоқда?

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК департаментининг Фарғона вилоят бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қўқон шаҳар бўлимига нисбатан 87.076.776 сўм миқдорида жарима қўллашни сўраган эди. Хўш, мазкур даъвонинг киритилишига нима сабаб бўлди?

Гап шундаки, Сирдарё вилоят прокуратураси «Сирдарёпахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси манфаатини кўзлаб, Қўқон шаҳридаги «COTTON EXPORT» компаниясидан 159.514.343 сўм асосий қарз, 79.757.171 сўм устама ундиришни сўраб, Фарғона вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритади. Вилоят хўжалик суди эса, ўзининг 2005 йил 6 майдаги ҳал қилув қарори билан сирдарёликларнинг даъвосини қисман, яъни 163.502.201 сўмга қаноатлантиради. Шунингдек, компаниядан бошқа хўжалик юритувчи субъектларга 10.651.351 сўм, жами 174.153.552 сўм ундириш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Шундан сўнг Қўқон шаҳар суд ижрочилари бўлинмасига ижро варақалари берилади ва бўлинма ходимлари хўжалик суди қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида «COTTON EXPORT» компаниясининг ҳисоб рақамига банд солиш тўғрисида бўлинма қарорини чиқариб, 2005 йилнинг 26 июнида уни «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Қўқон шаҳар бўлимига тақдим қилишади. Бироқ...

Бироқ, банкнинг масъул мансабдорлари юқоридаги қарорлар ижросига беписандлик билан қарашади. Аниқроғи, улар ўша 174.153.552 сўмни компания ҳисоб рақамидан тегишли даъвогарларга ундириш ўрнига, ўша йилнинг 19 декабрига қадар компаниянинг 269.000.000 сўм маблағини умуман бошқа хўжалик юритувчи субъектларга ўтказиб юборишади. Бундан ташқари, банкдагилар АТ «Капиталбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимида «COTTON EXPORT» компаниясининг валюта ҳисоб рақами мавжудлигини била туриб, пойтахтдаги ҳамкасбларига ижро бўлинмасининг қарорини юборишмайди.

2006 йилнинг 17 февралда СВОЖЖДЛККДнинг вилоят бошқармаси томонидан «COTTON EXPORT» компаниясининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Тергов жараёнида тилга олинган «сир»лар ҳам фош бўлади. **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонуннинг 81-моддасида ижро ҳужжати топширилгланиги, банк ёки бошқа кредит ташкилот пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатини ижро этмаганлиги учун уларга суд томонидан ундирилиши лозим бўлган сумманинг эллик фоизгача миқдорда жарима солиниши белгиланган. Бошқарманинг ундирилиши лозим бўлган 174.153.552 сўмнинг 50 фоизи — 87.076.766 сўмни банкка жарима тариқасида қўллаш ҳақидаги даъвоси ҳам ана шундан.

Суд тақдим этилган ҳужжатларга баҳо бериб, даъвони қисман — 36.000.000 сўмга қаноатлантирди. Шу билан бирга, банкнинг мансабдор шахслари ҳамда суд ижрочилари бўлинмасининг масъул ходимларига нисбатан Жиноят кодексининг 232-моддаси билан жиноят иши қўзғатиш юзасидан хусусий ажрим чиқарди.

Бошқа соҳа ходимларини-ку, қўя турайлик. Аммо айрим суд қарорлари ижроси айнан суд ижрочилари томонидан таъминланмаётгани ёки уларнинг бу борадаги масъулиятсизлигини қандай тушуниш мумкин?!

Масалан, Қўқон шаҳридаги «Нурафшон» хусусий фирмаси 2003 йилдан буён, «Шарқ» савдо ишлаб чиқариш фирмаси эса 2004 йилдан буён фаолият юритмаётганди. Бошқача айтганда, «Нурафшон»нинг бюджет ва бюджетдан ташқари мажбурий тўловлардан қарзи 19.325.600 сўмни, «Шарқ» савдо ишлаб чиқариш фирмасиники 645.897.000 сўмни ташкил этарди. Ана шу боқиманда қарзларни ундириш учун шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан суд ижрочилари бўлинмасига ижро варақаси берилади. Суд ижрочилари эса кўп ўтмай ҳар иккала фирманинг молмулклари ва бошқа даромадларни йўқлигини маълум қилиб, **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги қонуннинг 47,53,56,59,60-моддалари талабларини бузиб қарздорларнинг мол-мулклари борлигини аниқлашмаган.

Албатта, вилоят хўжалик суди юқоридаги ҳолат бўйича айбдор суд ижрочиларининг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш юзасидан суд қарорларини ижро этиш бўйича департаментнинг Фарғона вилоят ҳудудий бўлимига хусусий ажрим киритди.

Бош Қомусимизнинг 114-моддасида мустаҳкамланганидек, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоа бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбуридир. Аслида, суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўси ва мавқеи ҳам шунда.

Таҳлилларга эътибор берсак, 2006 йил давомида Фарғона вилоят хўжалик суди томонидан суд қарорларини ижро этмаган шахсларга нисбатан 45 та таъсир чоралари қўлланган. Шундан 17 та иш бўйича турли банкларнинг 29 нафар мансабдор шахсларига, 10 та иш бўйича эса туман ва шаҳарлар суд ижрочиларидан 12 нафарига интизомий жазо чоралари кўрилган. Суд ижрочиларидан бир нафари эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

Аммо, аслида гап қўлланилган жазо чораларида ҳам эмас, балки суд қарорларининг ижроси учун масъул шахсларнинг йўл қўйишаётган лоқайдлигида.

Хулоса ўрнида эса шуни айтиш керакки, кимки ўзига ишониб топширилган масъулиятли вазифани қонун талаби асосида бажармас экан, шубҳасиз, юқоридаги мисолларда келтирилганидек, эл-юрт олдида шарманда бўлиб, боши хам бўлади. Бундай юзшувутликдан эса яратганинг ўзи асрасин.

Муҳаммаджон ОБИДОВ, Фарғона вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари

Яйлов – бу ҳадсиз-ҳудудсиз қир-адирлар фақат одамларгагина ризқ улашиб қолмай, балки жонзотларнинг ҳам кун кечирадиган макони ҳисобланади.

Dakki

Яйлов «ҳангома»лари

ёхуд баъзи нафси ўпқонларнинг қинғир ишлари хусусида

Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган ҳозирги воқеа ва «қаҳрамон»имиз қилмишлари ҳар қандай бўрини ҳам лол қолдириши бор гап. Келинг, гапни чувалатмайликда, воқеа тафсилотига ўтайлик.

Нуробод туманидаги «Каттақўрғон» ширкат хўжалиги раҳбарлари ширкатнинг бош чўпони Шавкат Раҳмонқулов билан жиноий тил бириктириб, давлатга қарашли қарийб минг бошдан ортиқ қўй-қўзини «тинчитиб» юборишди. Шавкат Раҳмонқулов 2004 йилнинг 5 августидан 2006 йилнинг июн ойигача бош чўпон вазифасида ишлади. Ўтган давр, мобайнида у хўжаликка қарашли 1124 бош қўй-қўзини гумдон қилди.

Унинг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

– Отам Норбой Раҳмонқулов оғир касалликка дучор бўлиб қолди. Шунда ноилож қолиб моддий жавобгарлигимдаги майда шохли молларни сотиб, пулини у кишини даволатишга ишлатдим. Қолаверса, 2005-2006 йилларда қиш совуқ келиб, моллар қирилиб кетди. Отар хўжалик марказидан узоқда бўлгани учун бу ҳақда хабар бермаганман ҳамда қўйларнинг нобуд бўлганлиги ҳақида тегишли ҳужжатларни тузмаганман. Бундан ташқари зарур бўлиб қолган пайтда отардаги қўйлардан сотиб рўзғорга ишлатдим.

Унинг гапларини эшитиб, ҳайрон қоласан киши, ахир, ҳотамтойликнинг ҳам чегараси бор-ку. Отари узоқда жойлашганлиги сабаб қўйларнинг нобуд бўлганини ҳеч кимга маълум қилолмаган чўпондан наҳотки, «Каттақўрғон» ширкат хўжалигининг бошқарув раиси Қоржов Баратов, бош ҳисобчи Аслиддин Қайнаров, бош зоотехник Йўлдош Қозоқов, бош ветеринария врачи Абдурашид Тиллаев, қолаверса, бўлим зотехниги-ю, ҳисобчилари жиллақурса, бир маротаба хабар олмасалар, наҳотки шунча қўй-қўзиларнинг изсиз йўқ бўлганлигини, аҳвол шу даражага етгунча билмасалар? Ахир, тегишли қоида бўйича ойда бир марта ширкат хўжалигининг бўлимларидаги мавжуд чорва туёғи саналиб, рўйхатга олиниши, унинг мавжудлиги, соғлиги ҳақида махсус ҳужжат тузилиши, унга хўжаликнинг масъул ходимлари имзо чекишлари керак!

Адолат қарор топди. Жиноятчилар кирдикорлари учун қонунга биноан жавобгарликка тортилди. Шу ўринда бир ҳолат бизни таажжубга солади. Наҳотки, Нуробод туманидаги раҳбарлар, қолаверса, вилоят Қоракўл бирлашмаси мутасаддилари аҳволнинг бу даражада орқага кетишига лоқайд қараб туришган бўлса?!

Фарҳод АБДУХОЛИҚОВ, Нуробод туман прокурори, Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Mitti maslahat

Никоҳни қайд этиш

жазони ижро этиш муассасасида қандай амалга оширилади?

Одатда, никоҳ деганда биз турли тўйхоналар, бахт уйлари ёки хонадонларда ўтказиладиган тантанали маросимни тушанамиз. Бироқ айрим ҳолларда никоҳ тергов ҳибсхонаси ёхуд жазони ижро этиш муассасасида ҳам амалга ошириладики, бу махбус ва унинг турмуш ўртоғи учун унутилмас воқеа бўлиб қолади.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаётган шахслар билан никоҳни қайд этиш шу муассаса жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ бўлими томонидан амалга оширилади. Бунда маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс никоҳга кириш ҳақидаги аризанинг ўзига тааллуқли қисмини тўлдириб, ўзи яшаётган ёки жазони ижро этиш муассасаси жойлашган ҳудуддаги ФҲДЁ бўлимига топширади. ФҲДЁ бўлими эса аризада келтирилган маълумотларни ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан солиштириб, аризада қайд этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва аризачининг имзосини тасдиқлайди. Шундан сўнг маҳкум билан никоҳга киришни хоҳловчи шахс бу аризани жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятига топширади. Муассаса маъмурияти эса аризани олгач, маҳкумга тақдим этади. Маҳкум ҳам аризанинг ўзига тегишли қисмини тўлдиргач, ариза яна ФҲДЁ бўлимига қайтарилади.

Агар иш жараёнида маҳкумнинг шахсий йиғма жилдида унинг оилавий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ бўлмай баъзи саволлар пайдо бўладиган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу маълумотларни тегишли ташкилотлар орқали талаб қилиб олиш ва аниқлаш чораларини кўради.

Маҳкум билан никоҳни қайд этиш ФҲДЁ бўлими билан келишилган ҳолда жазони ижро этиш муассасаси томонидан белгиланган бинода амалга оширилади.

Судгача эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилган шахслар билан никоҳни қайд этиш эса тергов ишини олиб бораётган мансабдор шахс ёки орган рухсати билан ўша ҳудуддаги ФҲДЁ бўлими томонидан тергов изолятори (қамоқхона)да амалга оширилади. Бу ҳолатда никоҳга кириш ҳақидаги аризага ва никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувига қайд этишга рухсат берган мансабдор шахснинг имзоси ҳам қўйилади.

Муҳаббат УМАРОВА, Поп туман ФҲДЁ бўлими мудираси

Jinoyat va jazo

«Ўғлимга оғир жазо тайинланг...»

она суддан шундай илтимос қилди

Ҳаётда ҳамма ҳам хато қилади. Шунинг учун бўлса керак, кўп ҳолларда биз «Ҳа, энди, инсон боласи ҳом сут эмганда», деган нақлни ишлатамиз. Лекин кимдир ўз вақтида хатога йўл қўйганини англаб етиб, уни бартараф қилса, яна бошқа биров такрор-такрор хатога йўл қўяверади. Албатта, хатога йўл қўйиб уни тузатмаслик, гуноҳларига тавба қилмаслик кишини тубанлик ботқоғига судрайди. Қолаверса, умр аталмиш қисқагина йўлда эзгулик ёки ёвузлик йўлини танлаш ҳам инсоннинг ақлу идроки, маънавияти, энг аввало, оилада олган тарбиясига боғлиқ.

Суд очерки

Одатда, бирор-бир тарбиясиз одам жиноятга қўл урганини эшитсак, бу ҳақда мақола ёзсак, нега маҳалла-қўй ўз вақтида эътибор бермади, қўни-қўшни, қариндошуруғлар нега бефарқлик қилди, ахир, бошқалар лоқайд бўлмаганида ушбу жиноят юз бермаслиги мумкин эди-ку, деганга ўхшаш саволларни ўртага ташлаймиз. Гарчи бу фикрлар ўқувчига эскирга мулоҳазадай туюлса-да, обдон ўйлаб кўрган одам масаланинг бундай кескин қўйилиши ўринли эканлигини англаб етади. Қуйида биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган воқеа ҳам юқоридаги фикрлар нақадар тўғри эканини яна бир карра исботлайди.

Агар ўз вақтида ота-она, қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари, оқсоқоллар Холмурод Раҳимовга тўғри танбеҳ бериб, уни ҳалоллик кўчасига етаклашганида эди, у бугун учинчи марта суднинг қора курсисида ўтирмаган, энг асосийси, бир қоиндан талашиб тушган синглисининг умрига зомин бўлмасди.

Аммо атрофдагиларнинг бефарқлиги, лоқайдлиги бир инсоннинг жиноят ботқоғига ботиб, узоқ йиллар панжара ортига кетишига, иккинчи инсоннинг эса ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.

Холмурод биринчи марта 1993 йили Хўжайли туман суди томонидан Жиноят кодексининг 204-моддаси, 2-банди билан айбдор деб топилиб, жазога тортилди. Лекин бу жазо унга сабоқ бўлмади. Холмурод барча айбни ўзгаларга тўнкаб, ўзини айбсиз айбдор ҳисоблади. Натижада аламзада ва баджаҳл кимсага айланди. Маҳалладошлар, ота-она уни ўз вақтида инсофга чақирмади. Хато-камчиликларини кўрсатмади. Бир сўз билан айтганда, Холмуроднинг тақдирига бефарқ қарашди. Айнан ана шу бефарқлик ва лоқайдлик кўп ўтмай яна ўз «ҳосил»ини берди...

Холмурод Раҳимов 1996 йил иккинчи марта жиноятга қўл уриб, яна Хўжайли туман суди томонидан ЖКнинг 277-моддаси 3-бўлими «а» банди билан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xotira

САМИМИЙ ДЎСТ ЁДИ

Шафқатсиз ўлим иқтидорли ҳуқуқшунос, самимий инсон Гайратжон Исаевни 51 ёшида орамиздан олиб кетди.

Ғ.Исаев 1982 йилда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини тамомлади. Ундаги ўзгача иқтидор, алоҳида зийракликни пайқаган устозлари уни мазкур даргоҳда ишга олиб қолишди. Шу тариқа ёшларга билим сирларини ўргата бошлади.

Ғ.Исаев 1982 йилдан 1994 йилгача ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультети ва Тошкент Давлат юридик институтида ёшларга ҳуқуқ илмидан сабоқ берди.

1994 йилдан 2005 йилгача у бир қатор масъулиятли вазифаларда фаолият юритди.

Ғ.Исаев 2005 йилдан бошлаб, ҳаётининг сўнгги кунига қадар Олий Мажлис Сенатининг Девони раҳбари лавозимида ишлаб келди. У 2006 йилда «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан тақдирланган, орзу-умидлари бир олам эди.

Гайрат Исаевнинг ёркин хотираси уни билган, яқиндан мулоқотда бўлган дўстлари, тарбиялаган шогирдлари ва барча яқинлари қалбида абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ

9 fevral — Alisher Navoiy tavallud topgan kun

Халқ, ғоя ва мақсад бирлиги сари

Ҳаёт ва инсонга дахлдор бўлмаган бир ғоя яшовчан эмас. Ғояни ҳаёт ва инсонга боғлаб талқин этишда эса бадиий адабиётдан кучлироқ восита йўқ. Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг биргина "Лисон ут-тайр" достонини варақлаб туриб ҳам шундай хулосага келиш мумкин.

Ўта муайян ғояни илгари суриш, ҳар бир асарда аниқ-тиниқ мақсад-муддаони ифодалаш, шу орқали амалда инсонга таъсир ўтказиш, уни нималардандир қайтариб, нималаргадир ундаш – Навоий ижодининг бош фазилатларидан биридир.

Бу "Хамса" достонларидаги каби «Лисон ут-тайр»да ҳам яққол намоён бўлган. Асарда қушлар мажозан халқ, яъни жамиятни англатади. Демак, ҳар бир қуш – муайян шахс тимсоли. Жамиятда эса бетартиблик ҳукмрон, мақсад бирлиги мавжуд эмас. Бундай шароитда ҳар кимнинг ўзига лойиқ ва муносиб ўрин ёки мавқега эга бўлиши амри маҳол. Айни ҳолатда ҳар қандай икки қуш ўртасида манфаатлар тўқнашуви (жой, мавқе талашиш), яъни зиддият (конфликт) бор. Вазиятни ўнглаш, муаммони ҳал этиш, яъни тартиб-қоида ўрнатиш учун адолатли шоҳ керак. Унга муҳтожлик кучлими, демак, уни излаш, топиш, олдига бориш, бунинг учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтиш зарур. Бироқ энди шу ният йўлида, биринчидан, ҳар бир қуш шу умум мақсадни ўзининг шахсий мақсади деб билиши, иккинчидан, айни ғоя атрофига бирикиши, шу муштарак орзуни ўз орзуси, деб ҳисоблашига тўғри келади.

Ҳудҳуд қушларни узоқдаги ана шундай адолатли шоҳ – Симурғ сари бошлаб кетади. Айни лаҳзадан асардаги зиддиятнинг табиати ва ўрни ўзгаради: энди қарама-қаршилик у қуш билан бу қуш ўртасида эмас, муайян қуш билан умум мақсад орасига тушиб олади. Ҳудҳуд умум мақсадга етакловчи, бу ниятдан сира қайтмайдиган, ғоясига мутлақ содиқ ягона қуш бўлгани учун ташқи жиҳатдан қараганда, бу зиддият ҳар бир қуш билан Ҳудҳуд ўртасида намоён бўлади. Лекин Ҳудҳуд сира бўш келмайди. Тарғиб ва ташвиқни кучайтиради. Охири, қушларни ўз ғоясига ишонтиради. Лекин қушларга раҳнамо бўлишдан бош тортади. Қушлар қўрқа ташлашади, қўрқа ҳам Ҳудҳудга тушади.

Шундан ўртадаги зиддият камая боради. Ҳудҳуднинг қўрқа ташланиб, сайланганидан кейинги тарғиби бошлангач, қушлар ўртасидаги фарқ йўқолади, шунинг учун шоир энди қайси қуш ҳақида гап кетмасин, уни фақат ва фақат «бир қуш» деб эслайди, холос. Тасаввуфга қиёсан таҳлил этиладиган бўлса, энди хонақоҳда пир (Ҳудҳуд) ва муридлар (қушлар) бор. Лекин Ҳудҳуд билан қушлар ўртасидаги тафовут ҳамон мавжуд. Қушлар қайси масалани охиригача анг-лашга қийналиб қолса, Ҳудҳуддан сўрайди, Ҳудҳуд уларнинг барча саволларига эринмай жавоб бера беради.

Еттинчи, яъни фано водийси ҳам адоғига етгач, қушлар амалда мақсадига эришади. Ўзлари Симурғ – ўттиз қуш эканликларини англашади. Яъни жисмоний ўзликдан (нафсдан) кечиб, маънавий ўзликка етишади. Ана шу ўттиз қушнинг орасида Ҳудҳуд ҳам бор. Бироқ энди уни ҳам ажратиб ололмайсиз. У ҳам ҳаммага тенг бўлиб қолган. Бошқача айтганда, барча Ҳудҳуд мақомига кўтарилган. Ҳудҳуд уларни ўзининг даражасига еткарди. Шу тариқа зиддият барҳам топди – мақсадга эришилди.

Фақат юксак мақсадларгина одамларни, миллатни, халқни бирлаштира олади. Аравани ҳамма бир тарафга тортсагина, уни ботқоқдан чиқариб олиш мумкин. Акс ҳолда, Криловнинг «Оққуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа» масалидаги каби мутлақо мурод ҳосил бўлмайди. Демак, жаҳон адабиётида «Лисон ут-тайр»дагидек бир мақсад атрофида жамоа бўлиб курашишнинг йўли кўрсатилган асарлар бўлгани каби, унинг акси – кўпчиликнинг бир мақсад атрофида бирика олмаслиги оқибатларини очиб беришга қаратилган асарлар ҳам мавжуд.

«Лисон ут-тайр»ни фақат ана шу – халқ, ғоя ва мақсад учун кураш масаласи жиҳатидангина таҳлил этганда ҳам, у бизга бугун учун жуда асқотадиган асар сифатида хизмат қилади. Гарчи Симурғ асарда шоҳ тимсоли сифатида келган бўлса ҳам, у рамзан Оллоҳга ишора ва достонда айнан Ҳудҳуд халқ раҳнамосини англатиб келган ва худди шу Ҳудҳуд қушларни юксак манзилга олиб борди.

«Лисон ут-тайр» моҳияти бугун беихтиёр ҳаётимиз ва халқимизнинг юксак ғоя ва буюк мақсад сари олиб бораётган курашини эслатади. Агар кимдаким раҳнамо бошлаб бораётган йўлда ўз шахсий (жисмоний) манфаатини умум манфаатидан устун кўриб, хуфёна уни қондириш билан машғул бўлса, билингки, бу бевосита умум манфаати ҳисобига амалга ошяпти. Ҳолбуки, ҳар қандай жамоанинг умум орзуга етиши учун бир мақсад атрофида бириккан жамоа аъзолари ўртасида зиддият бўлмаслиги, бўлса ҳам, мақсад сари кураш жараёнида у кунбакун камайиб бориши ва охири йўқолиб кетиши шарт.

Достоннинг мақсад учун курашда жамоа аъзоларининг ўзаро бирикуви (бирхиллашуви) ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун ҳаётнинг ўзидан ўхшашлик қидиришимиз керак. Шунда бир мақсад йўлида жамоа бўлиб курашадиган гуруҳлардан иборат тизимларда айнан бир хил кийим кийилиши бекорга эмаслиги ойдинлашади. Масалан, бутун дунёда ҳарбийлар, ички ишлар (полиция), божхона, солиқ ва бошқа шу каби тизимларда, шунингдек, команда бўлиб ўйналадиган спорт мусобақаларида жамоанинг барча аъзоси бир хил кийим кияди. Бунинг замирида ҳам айнан кўпчиликнинг бир мақсад атрофига уйғунлашувини бўрттириб кўрсатиш, таъкидлаш нияти ётибди. Бундай бир хиллик амалда жамоа аъзоларининг ўз шахсий манфаатларини зинҳор-базинҳор жамоа манфаатидан устун қўймасликка ундайди.

Хуллас, «Лисон ут-тайр» Навоийнинг халқ, ғоя ва мақсад учун кураш масаласини ёритишда жуда асқотадиган достони ҳисобланади. У бугун бизга мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ривожланган бозор иқтисодиёти ва демократик жамият барпо этишда халқни бирлаштириш йўлини кўрсатиб бергандек бўлади.

Султонмурод ОЛИМ

...Анна Бони ва Рэкемнинг эски "касб"лари – қароқчиликка қайтишлари, келажакда муқаррар ўлимни бўйинларига олишлари билан баробар эди. Чунки қароқчиларга нисбатан бир марта афв эълон қилган Англия қироли иккинчи марта уларни кечирмасди. Рэкем ва Анна бу ҳақда жуда узоқ ўйлашди ва аввалги мақоламизда таъкидлаб ўтганимиздек, охир-оқибат денгизга қайтишга қарор қилишди...

Dunyoning ishlari



Шундан сўнг бир неча йиллар мобайнида улар ўзлари ёллаган "Аждарҳо" кемасида Шимолий Американинг шарқий ҳудудида қароқчилик билан шуғулланишди. Бир қараганда ҳаммаси жойида кетаётгандек эди. Рэкем ва Анна бир-бирларини ҳамон қайноқ муҳаббат билан севишар, кема палубасидаги қароқчи матрослар ҳамон "Андрес" аслида Анна эканини билишмас, уни эркак киши сифатида қабул қилишар, юк ташувчи кемалар билан тўқнашувлар чоғида қўлга киритилган бойликларни Королинага олиб бориб арзон-гаровга пуллашар, хуллас, уларнинг ҳаёти бир маромда кечаётгандек эди. Кутилмаган тасодиф ҳаммасини ағдар-тўнтар қилиб юборишига бир баҳя қолди...

Келинг, яхшиси, ўқувчимизга тушунарлироқ бўлиши учун бу воқеани ҳам бир бошдан ҳикоя қилайлик.

МЭРИ РИД ВА "ЖОН РИД"

Навбатдаги денгиз сафари чоғида "Аждарҳо" палубасидагилар очиқ денгизда ҳалокатга учраган кема қолдиқларига дуч келишди. Денгизда сувга чўкмай қолган қолдиқлар нима ҳам бўлиши мумкин. Турли туман ёғоч бочкалар, мачталарнинг бўлаклари, елкан йиртиқлари, хуллас, денгизда номаълум кемадан нишона бўлиб ана шундай кераксиз ашқол-дошқоллар "сузиб юрарди". Кема қолдиқларини дурбинда кузатаётган Рэкем тўсатдан мачта синиқларидан бирининг устида одам борлигини пайқаб қолди. Унинг бўйруғи билан "Аждарҳо" йўлини ўзгартириб, ҳалокатга учраган кемадан омон қолган яккаю ягона гувоҳ – беҳуш ётган матросни палубага чиқариб олишди.

Номаълум денгизчи жуда ёш ва кўркам "йигит"ча экан. Рэкемнинг анча-бунча уринишидан кейин ҳушига келган тасодифий меҳмон ўзини Жон Рид, деб таништирди. Шунингдек, у ҳушига келгач, кемалари сув ости қояларига урилиб ҳалокатга учрагани ҳақида ҳам сўзлаб берди ва капитан Рэкемдан ўзини "Аждарҳо" палубасида олиб қолишни сўради.

Рэкем унинг "Аждарҳо"да қолишига рухсат берди. Албатта, бундай пайтда ҳар қандай капитан шундай йўл тутади. Ахир олдинда узоқ сафар, қоларверса, қирғоқ жуда узоқ бўлса, Жон Ридни очиқ денгизга ташлаб кетишмайди-ку. Агар шундай қиладиган бўлса уни қутқаришнинг нима кераги бор эди?..

Хуллас, Жон Рид ҳам капитан Рэкем кемасида денгиз қароқчилиги билан шуғуллана бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Жон ўзининг жасурлиги, камондан отиш ва қўл жанги ҳадисини олгани билан тез орада тилга тушди ва қароқчилар кемасида ўзига хос обрў-эътибор қозонди. Ўшанда у ҳақда қароқчилар орасида "Жон жанг пайтида бутунлай бошқа одамга айланади. Ҳаттоки ўзидан бир неча баравар гавдалик рақибларни ҳам бир ҳамлада ер тишлатади", деганга ўхшаш гап-сўзлар тарқалганди. Албатта, Жоннинг жасурлиги Рэкемга ҳам ёқар, уни ўз кемасига олганидан афсусланмас, вақтивақти билан қароқчиларга унинг ёвқурлигини мисол келтириб турарди...

Ана шундай кунларнинг бирида Рэкем Анна билан Жоннинг жуда яқинлашиб кетганини сезиб қолди. Шундан кейин рашк оловида ёниб, уларни кузата бошлади. Кузатишлар натижаси шу бўлдики, Анна ва Жон кеманинг кўздан холи жойларида тез-тез учрашишар ва соатлаб суҳбатлашишарди. Рэкем ҳеч бир иккиланмасдан Анна ўзидан совуб, Жон билан дон олишаяпти, деган қарорга келди. Албатта, бундай пайтда у қўл қовуштириб кутиб ўтира олмас эди. Шунинг учун ҳам Жонни ўлимга ҳукм қилди. Лекин ҳукм ижросини бошқа қароқчилар кўз ўнгида амалга ошириб бўлмасди. Жон Аннанинг аёллигини билган бўлса, уни бошқа денгизчиларга сотиб қўйиши, бу эса ўз навбатида, қароқчиларнинг ҳақли норозиликларига сабаб бўлиши мумкин эди.

Демак, Жон устидан Рэкем чиқарган ҳукмни Рэкемнинг ўзи ижро этиши ва бу сирдан кема палубасидагиларнинг бирортаси ҳам хабар топмаслиги шарт эди. Рэкем худди шундай йўл тутди. Ярим тунда Жонни ўз каютасига таклиф қилиб, унинг бўйнига қилич тиради ва Анна билан боғлиқ бор ҳақиқатни ошкор қилишни талаб қилди. Жоннинг олдида иккита йўл қолган эди: Ё ҳаммадан яшириб келаётган бор ҳақиқатни ошкор этиш ёки индамай ўлимни бўйнига олиш керак! Жон биринчи йўлни танлади ва ҳақиқатни тан олди.

Тўғриси, унинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитган капитан Рэкем ҳанг-манг бўлиб қолди. Анна билан Жоннинг ўртасида ҳеч қандай ишқий муносабатлар бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Чунки Жон Рид ҳам худди Анна Бони каби аёл киши! Унинг асл исми-шарифи Жон Рид эмас, балки Мэри Рид экан!..

Жон – Мэри ўша тунда Рэкемга ўз ҳаёти ҳақида гапириб берди.

Мэри Рид ҳам худди Анна Бони каби Багам оролларининг бирида, камбағал оилада таваллуд топган эди. Бошқа кўплаб камбағал оилаларнинг фарзандлари каби, уни ҳам ўн уч ёшида бой француз оиласига хизматкор сифатида сотиб юборишди. Лекин юрагида қайноқ ҳаётга муҳаббат жўш урган қизалоқ хизматкорларнинг зерикарли ва бир хил ҳаётига кўника олмади. Шунинг учун ҳам ўн тўрт ёшида қочиб кетди. Бир йил давом этган сарсон-саргардонликдан сўнг, у йигитча кийиниб, Жон Рид исми остида ҳарбий кемалардан бирига юнга (ёрдамчи ошпаз) сифатида ишга жойлашди. Узоқ давом этган денгиз сафаридан қайтган Анна ҳарбий кемани тарк этди. Лекин у бу гал ҳам ўзига эркакча иш танлади. Британиянинг Фландрия ҳудудида жойлашган полкига аскар сифатида ёлланди. У ушбу полкда ҳарбий қуроллардан фойдаланиш, камондан отиш, қўл жанги машқини ўтади. Зеҳни ўткирлиги ва энг асосийси, жасурлиги боис жанг қилиш сирларини жуда пухта ва тез эгаллади. Полк сафида жангларда қатнашиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Бир неча марта оддий аскар Жон Рид сифатида қироллик мукофотларига сазовор бўлди. Бу ёвқур жангчи аслида эркакча кийиниб олган аёл эканлиги эса ҳеч кимнинг хаёлига келмасди...

Лекин орадан маълум вақт ўтиб, қандайдир номаълум сабабларга кўра полк тарқатиб юборилди ва Мэри – Жон яна ишсиз қолди. Ана шундан кейин Мэри яна денгизга қайтди. Юк ташувчи кемалардан бирига матрос бўлиб ёлланди. Айнан ана шу кема биринчи денгиз сафари пайтидаёқ қароқчилар ҳужумига учраб ёниб кетди ва тақдир Мэрини Рэкем билан учраштирди. Қолган воқеалар эса маълум...

Шу ўринда қизиқ бир ҳолатга алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Анна билан Мэри қанчалик қадрдон бўлиб кетишган бўлишларига қарамасдан, бир-бирларига асосий сирларини, яъни эркакча кийиниб олган аёл эканликларини айтишмаган ва шундай бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўришмаган экан. Сир очилгач, Рэкем Аннани каютасига чақирди ва Мэри билан қайтадан "таништирди". Жоннинг Мэри эканлигини эшитган Анна ҳанг-манг бўлиб қолди...

Энди Рэкемнинг кемасида бир эмас икки нафар аёл бор. Рэкем капитан бўлишига қарамасдан, ўз қўл остидаги денгизчилардан буни яширишга мажбур эди. Чунки денгизчилар кема палубасида аёл киши бўлиши – муқаррар ҳалокат, деган ақидага қатъий амал қилишар, кемадаги аёл – ажал фариштасидир, деган иборани тез-тез тилга олиб туришарди. Лекин Рэкем на Аннадан ва на Мэридан воз кечишни истамади. Анна–Андрес ва Мэри–Жон кемада қолди...

Капитан Рэкем кемаси Шимолий Америка ва Дания қирғоқларида бир неча йиллар мобайнида қароқчилик билан шуғулланди. Охир-оқибат иш шу даражага бориб етдики, Рэкем ва бошқа қароқчиларнинг дастидан денгиз йўлларида юриш умуман мумкин бўлмай қолди. Худди шу пайтларда шаҳзода Альф Дания тахтига ўтирди. Унинг биринчи қилган иши денгиз қароқчиларига қарши уруш эълон қилди. Бу уруш жуда шафқатсиз ва беомон олиб борилди. Дания ҳарбий эскадрилиялари очиқ денгизда кўплаб қароқчилар кемаларини, жумладан, капитан Рэкемнинг кемасини ҳам маҳв қилди. Анна ва Мэри сўнгги жангда ҳам қаҳрамонларча иштирок этишди...

Улар аёл бўлишларига қарамасдан бир умр денгизга интилиб яшашган эди. Ва ниҳоят уларнинг жонсиз таналарини ҳам денгиз ўз бағрига олди.

Хорижий матбуот материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади

Jinoyat va jazo

«Ўғлимга оғир жазо тайинланг...»

она суддан шундай илтимос қилди

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Инсонпарварлик тамойилига асосланган сиёсат барчага тенг. Икки бора Амнистия асосида Холмурод Раҳимовнинг жазо муддати қисқартирилди. Аслида амнистиядан мақсад, билиб-билмай жиноят кўчасига кирган одам ўз хатолари, қилмишлари тўғрисида ўйлашга ва ҳаётини янгидан бошлашига имконият беришдир. Афсуски, Холмурод бу меҳр-мурувватдан ҳам тўғри хулоса чиқара билмади. Аксинча, инсонийликни унутди, бадбин кимсага айланди. Маҳалладошлар, оиласидагилар, кўни-қўшни энди ундан «қораси юқмасин», дея ўзларини олиб қочадиган бўлишди. Холмурод ичкиликка берилиб, кундан-кунга тубанлик ботқоғига ботиб кетаверди...

Ҳар нима бўлганда ҳам, ота-она фарзандидан воз кечмайди. Холмуроднинг ота-онаси, яқинлари ҳам шундай йўл тутишди. Ундан бутунлай юз ўгиришмади. Ноиложликдан унинг барча хурмача қиликларига, оғир феъл-атворига чидаб келишди. Лекин афсуски, уни тўғри йўлга солишга жиддийроқ ҳаракат қилиб кўришмади...

Қиш кунларининг бирида Холмурод маст ҳолда Хўжайли тумани, «Оқ олтин» ширкат хўжалигида яшовчи синглиси Бибимарям Раҳимованинг уйига кириб келди. Бибимарям отасининг яқинда шифохонадан чиққанлиги, онасининг қарилигини ҳисобга олиб, уларни ўз уйига олиб келиб, дуоларини олиш мақсадида меҳр билан парваришлаётган эди.

— Қорним оч, овқат бер, — дағдаға қилди эшикдан кирган Холмурод салом-аликсиз.

— Хонтахта устида иссиққина чой бор, шуни ичиб туринг, молларга ем бераётгандим. Ишимни тугатишим билан сизга овқат тайёрлаб бераман, — деди синглиси.

— Нима, ҳали мол мендан азиз бўлдими? – деди йўқ жойдан жанжал чиқаришга ўрганиб қолган ака.

– Ундай эмас, фақат қоронғу тушиб қолмасдан ишларимни тугатиб олай деяпман,– деди синглиси.

—Шунақами, ҳаммангни ўлдирмасам, сенлардан қутулмайман, шекилли, — сўкинди ака.

— Жаҳл қилавермасанг-чи, ўғлим, — гапга аралашди онаси. — Чой ичиб туравер, синглинг бир пасда молларини жойлаб келади.

— Йўқ, сенларни ўлдириш эмас, тириклай гўрга тиқиш керак, — бўкирди Холмурод ва уятсиз гаплар айтиб сўкина бошлагач, Бибимарям индамай акаси ўтирган хонани тарк этди. Энди ака ўз синглисининг қизи, яъни жиянини оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлай бошлади. Бу орада ишини саранжомлаб келган Бибимарям акаси қизини тутуриқсиз сўзлар билан сўкаётганини эшитиб, жаҳлини жиловлай олмай қолди. Жаҳл келса, ақл кетади, деганлари бор гап. Бибимарям ҳам жаҳл отига миниб, ғазаб билан ташқарига чиқди ва таёқ кўтариб кириб келди.

— Мана, сенга, — акасининг елкасига урди Бибимарям. — Ҳаммамизни жонимиздан тўйдириб юбординг.

— Ие, ҳали сен менга қўл кўтарадиган бўлиб қолдингми, энди ўзингдан кўр, — Холмурод ҳам ғазаб отини қамчилади.

Шовқин-суронни эшитиб, қўшни хонада ётган, яқинда шифохонадан чиққан Қуронбой ота ҳам инқиллаб-синқиллаб чиқиб келди.

— Қўй болам, синглингни урма, — инсофга чақирди ўғлини.

— Сен аралашма, — Холмурод отасини ҳам итариб юборди.

Сапаргул опа чолининг қўлидан тутди.

— Юринг, сиз жойингизда ётинг, уларни ўзим тинчитаман, — дея ичкари бошлади.

Бу орада Холмурод синглисининг сочидан судраб, оғилхона томонга олиб кетди. Сўнг синглисидан тортиб олган таёқ билан унинг бошига туширди. Бибимарям шу ернинг ўзида йиқилиб, овози чиқмай қолди. Шундан сўнг ака сўкинганича, ўз уйи томон йўл олди...

Чолини тинчлантириб чиққан Сапаргул опа қизининг бехуш ётганини кўриб, қўрқиб кетди. Невараси Насибани қўни-қўшниларни чақириб келишга юборди. Кўчага югуриб чиққан Насиба оиланинг яна бир аъзоси Беймуротни кўриб қолди. У зудлик билан опасини шифохонага олиб борди. Аммо кеч бўлган экан. Бибимарямнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади...

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Хўжайли туманлараро суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқди ва Холмурод Раҳимовни узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Тўғри, жиноятчи ўз қилмишига яраша жазо олди. Лекин...

Лекин судда Холмурод Раҳимов ва Бибимарямнинг онаси Сапаргул опа айтган гаплар бизни ўйлантириб қўйди. У суддан ўз жигарбанди, ўғлига қаттиқроқ жазо беришни илтимос қилди. Албатта, она учун бундай илтимос қилишнинг ўзи бўлмайди. Унинг кўзидан оқаётган шашқатор ёшларга қараб, хаёлимизда шу фикрлар кечди: балки онаизор кўзёшларига қўшиб ўзининг пушаймонлигини, надоматларини, армонларини тўкаётгандир. Холмуродга тарбия беришда нега адашдим, дея фарёд ураётгандир. Аммо энди кеч. Бибимарям қайтиб келмайди. Ака эса бир умр ўз синглисининг қотили, деган тамғани кўтариб юришга мажбур.

Сўзимиз сўнггида шуни таъкидлаб ўтишни истардикки, биз бировларнинг қайғусини кўпга кўрсатиш учун эмас, аксинча, ҳеч бир онаизор қариганда фарзанд доғини тортмасин, боласининг нокаслигидан азият чекмасин, бу воқеа бошқа бировларга сабоқ бўлар, деган ниятда ушбу фожиани қоғозга туширдик. Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола...

Палмурза ХОЖАБЕКОВ,
Жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман суди раиси,
Бозорбой УЛЛИБОБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЭЪЛОН!

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Мирзаобод тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро қайта имтиҳон топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Мурожаат учун манзил:
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳри Ал-Хоразмий 24.
Маълумот учун телефон:
25-09-69, 25-00-93, 25-01-55.

Сурхондарё вилоят Адлия бошқармаси вилоятнинг Узун, Қизириқ туман давлат нотариал идораларидаги биттадан бўш давлат нотариуслиги лавозимига танлов эълон қилади.

Ушбу танловда иштирок этишни истаган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича малака ошириш комиссиясига 2007 йилнинг 1 мартига қадар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаро қайта малака оширишга комиссиясига қароридан кўчирма;
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар тегишлича Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Мурожаат учун телефон: 7-57-98
Танлов вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади.

ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилоят, Шеробод туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ж.Бекиев лицензиясининг амал қилиши номуайян муддатга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адолат» нашриёти қуйидаги вазифаларга ишга таклиф қилади.

1. Ёрдамчи референт. Номзод ўзбек ва рус тилларида саводли, компьютернинг барча программаларида (пейжемейкер) ишлашга укувли, махсус маълумотга эга бўлиши талаб қилинади.
2. Компьютер операторлиги. Номзод китоб матнини ёзиш, нашрга тайёрлаш, дизайн, саҳифалаш ишлари мутахассиси бўлиши, ўзбек ва рус тилида саводли, махсус маълумотга эга ҳолда компьютернинг замонавий программаларидан яхши хабардор, пейжемейкерда ишлашга укувли бўлиши шарт.

Манзил: Тошкент — 100170 А.Муҳиддинов кўчаси, 26-уй тел: 169-03-98, 169-03-58

Навоий вилоят Адлия бошқармаси томонидан вилоятнинг Томди тумани давлат нотариал идорасидаги бўш давлат нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади.

Ушбу танловда иштирок этишни хоҳловчи нотариал фаолият билан шуғулланувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Малака комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;

Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар — тегишлича раҳбарият томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган фуқаролар эса Малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақидаги Малака комиссиясининг қароридан кўчирмаларни шахсан тақдим этишлари лозим.

Ҳужжатлар 2007 йилнинг 18 февралигача қабул қилинади.

Манзил: Навоий шаҳри, Матвиенко кўчаси, 4-а уй. Телефон: 223-01-38

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Ҳуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-116. Тиражи — 7500.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5